

Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг таклифлари

1. Солиқ кодексининг 317-моддаси 7-бандига хукумат қарорлари ва фармойишлари, Президент қарорлари ва фармонлари билан амалга ошириладиган ҳомийлик харажатларини фойда солиги базасидан чегириб ташланиши бўйича **банд киритиш таклиф этилади.** (*Бухгалтерия ва Аудит*)

2. Ўзбекистон банк тизимида “Cloud” технологияларидан фойдаланишни жорий қилиш. Бугунги кунда банкларда сервер қурилмаларини сотиб олиш, уларга хизмат кўрсатиш жуда катта маблағ талаб этади. Ушбу технологиядан фойдаланиш маблағларни тежашга ва уни банкнинг бошқа истиқболли йўналишларига йўналтиришга ёрдам беради. (*Пластик*)

3. Солиқ кодексининг 239-моддасига “солиқ солинадиган база ҚҚС суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш нарҳи билан банк балансига олинган сумма ўртасидаги ижобий фарқдан тўланиши бўйича **кўшимча банд киритиш.** (*2020 йилгача амалда бўлган Солиқ кодексида худди шундай банд мавжуд эди.*)

Банклар томонидан аукцион савдоларида сотилмаган мол-мулкларни балансга **10 фоиз арzonлаштирган ҳолда** олиниб, уни сотишда устига **12 фоиз ҚҚС қўшиб сотишга**, яъни аукционда сотилмаган нархиданам қимматроққа сотишга тўғри келмоқда. Бу эса ўз навбатида **банк балансидаги мулкларнинг сотилмай қолишига**, “ўлик актив”га айланишига олиб келмоқда. (*Аудит*)

4. Нотариус томонидан **гаров олинганлиги** ва **таъқиқданчиқарилганлиги** тўғрисидаги маълумотларни **реал вақт режимида** Гаров Реестрида шакланиши ва бир вақтнинг ўзида КАДР (Кредит ахборот давлат реестри) дастурида кўриниши ҳамда банкларнинг дастурий таъминоти (94500-хисоб рақамилари) интеграция қилиш. (*Аудит*)

5. Фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш фондига календарь бадали ўрнига фуқароларнинг **омонатлари қолдиғи** умумий суммасининг **5% микдорида** “Омонатларни кафолатлаш захираси”ни шакллантириши бўйича **Қонунга тегишли ўзгартириш киритиш.** Натижада, “Омонатларни кафолатлаш захираси” банкнинг харажати ҳисобланмайди ҳамда **10300** - “**Банкнинг Марказий банқдаги ҳисобварақлари**”да ўз навбатида Фондда тижорат банклари шакллантирган “Омонатларни кафолатлаш захираси” **мажбурият сифатида** акс эттириб борилади. (*Аудит*)

6. Банкларда ундирувни мол-мулкка қаратиш ва мулкларни хатлаган ҳолда Е-аукцион савдолариға сотиш учун чиқариш ваколатига эга бўлган бўлимлар ташкил қилиш орқали МИБ фукциясини бажарувчи ходимлар қабул қилиш бўйича тизим яратиш. (*Аудит*)

7. ВМнинг 2021 йил 24 июлдаги 459-сон қарорига мувофиқ **ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқароларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликларни** маҳаллий бюджет даромадларининг ҳисобот чораклари якунлари бўйича аниқланадиган прогнозидан ошириб бажарилган қисмининг 5 фоизигача бўлган миқдоридаги маблағларни йўналтириш орқали эмас, балки Ҳалқпарвар комиссияларининг ижобий хulosаси ва тижорат банкларининг ҳисоб-китобларига мувофиқ **Республика бюджетидан ҳар ойда қоплаб бориш тизимини жорий қилиш.** (*Ипотека бизнесини ривожлантириши*)

8. “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қонуни ва ВМнинг 2020-йил 2-сентябрдаги 535-сон қарори асосида фуқароларга **бирламчи бозордан квартира сотиб олиш учун ипотека кредити ажратишда** ипотека (гаров) шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун **банкларнинг ахборот тизимларини Кадастр агентлигини ахборот тизимига интеграция** қилиш. (*Ипотека бизнесини ривожлантириши*)

9. Жисмоний шахсларга “**Овердрафт кредити**” ва “**Кредит карта**” каби маҳсулотлари тақдим қилиб келинмоқда, мазкур маҳсулотларни мижозларга тақдим қилиш бўйича **ягона меъёрий хужжат ишлаб чиқиш;** (*Чакана бизнес*)

10. МБ назорат қўмитасининг қарори билан белгиланган **айрим чекловларни қайта кўриб чиқиши** ва **юмшатиш**, жумладан ҳамкор ташкилотлардан фоизсиз турли чегирма, бонус, мукофотлар-cashback асосида автокредитлар ажратишдаги чекловлар ҳамда LTV кўрсаткичи бўйича белгиланган чекловлар. (*Чакана бизнес*)

11. “**Ўзини ўзи банд қилган қарз олувчи**”нинг норасмий даромадларини аниқлаш ва мижозни **тўловга лаёқатлиигини (қарз юкини)** ҳисоблаш юзасидан МБнинг 3205-сонли Низомига қўшимча банд киритиш ва механизмини ишлаб чиқиш. (*Чакана бизнес*)

12. Кўчмас мукларнинг кадастр хужжатларини янги ишга тушурилган **UZKAD** тизимидан рўйхатдан ўтказишни “таъқиқ сақланган ҳолда” банк

розилиги билан амалга оширишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш.
(КАД)

13. Қарз юкини ҳисоблашда мижознинг вояга етмаган фарзандлари сони, нафақадаги ота-оналарининг нафақа миқдорини инобатга олиб, харажатларни чегириш ва **бир ойлик минимум харажатлар орқали ҳисоблашни амалга ошириш**, бунда битта фуқаро учун **яашаш минимум харажатлари қўрсаткичларини тегишли давлат органлари томонидан тасдиқлаш** ва кредит ажратишда асос қилиб белгилаш бўйича **меъёрий ҳужжат** ишлаб чиқиш. *(КАД)*

14. Суд қарорига асосан 2024 - йил 1 январдан эътиборан **фоиз ва неустойкалар ҳисобланишини тўхтатиш ва ортиқча ҳисобланган фоизлани қайтарилишининг** банк даромадига **салбий таъсирини камайтириш мақсадида** фоиз ҳисобланиши тўхтатилган кредитларни ундиришда гаров мулкларини **тўғридан-тўғри бозор баҳосида сотиш** ва кредит ва фоиз қарздорлигини **қоплашдан ошган қисмини тўғридан-тўғри банк даромадига олишга** руҳсат бериш. *(КАД)*

15. МИБ томонидан гаров мулклари аукцион савдоларига чиқарилганда, гаров мулки эгасининг МИБ ижро ҳаракатларидан норози бўлиб шикоят берган ҳолларда ҳам аукцион савдоларини давом эттириш. *(НПЛ)*

16. Суд қарорига асосан қарздор банкрот деб топилган ҳолларда ҳам МИБ томонидан ижро ҳаракатларини давом эттириш. Тижорат банкларида муаммоли кредит қарздорликлари мавжуд бўлган жамиятларни банк розилиги олингандан сўнг, жамиятни банкрот қилиш масаласини кўриб чиқиш. *(НПЛ)*

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 апрелдаги “Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 63-сонли қарори ижросини таъминлаш:

Бунда, дастлабки аукцион савдоларида сотилмаган мол-мулкларни 25%гача арzonлаштирилган ҳолда аукцион савдоларида сотиш ҳамда сотилмаган ҳолларда 25% арzonлаштирилган қийматда банк балансига қабул қилиш. *(НПЛ)*

18. МИБ томонидан кредит таъминоти сифатида гаровга олинган мол-мулклар аукцион савдоларига чиқарилганда, дастлабки савдо кунини 30 кундан 15 кунгача қисқартириш. *(НПЛ)*

19. Гаров мулклари ҳамда банк балансига қабул қилинган мол-мулкларнинг тезроқ сотилишини таъминлаш мақсадида «E-auksion» электрон савдо

платформасида иштирок этадиган харидорларга **аукцион қадамини** аукцион объекти бошланғич қийматининг **3 фоизи** миқдорида ҳамда БХМнинг 2000 бараваридан ортиқ бўлганда аукцион қадамини **1 фоиз** миқдорида белгилаш. (*Хозирда 10 фоиз, БХМнинг 2000 бараваридан ортиқ бўлганда 5 фоиз*) (*НПЛ*)

Таклиф: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган «E-auksion» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 28-бандига ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. (*НПЛ*)

20. МИБ томонидан қарздорлик ҳисобига мол-мулкларни банк балансига қабул қилиш бўйича таклиф хати берилганда гаров мулкларини банк номига расмийлаштириш жараёнида юзага келадиган таъқиқларни бекор қилиш. (*НПЛ*)

21. ФИБ суднинг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори бўйича МИБ томонидан ижро жараёни якуний босқичга етиб келганда, қарздор ёки гаров мулки эгасининг сиртдан чиқарилган суд қарори юзасидан шикоят берилган ҳолларда ҳам МИБ томонидан ижро харакатларини давом эттириш. (*НПЛ*)

22. Рақобат муҳитини сақлаш мақсадида, **банк тизимида суғурта полисларини қўллаш тизимини тўлиқ автоматлаштириш**, суғурта ташкилотлари билан ишлаш механизмини марказлаштириш, тарифларни пасайтириш ва “60+” кредитлар бўйича суғуртадан қоплаш тизимини яратиш. (*комплаенс*)

23. Юридик шахслар томонидан **“бошқа мақсадлар учун”** (**53-символ**) ёки шу каби нақд пул чиқим амалиётларини, **рақобат муҳитини сақлаш мақсадида** барча банкларда мазкур символни чегаралаш. (*комплаенс*)

24. Даромад солиғи тўловчиси ҳисобланмайдиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини “автомат скорингдан” ўтказиш имконияти йўқлиги сабабли амалда қўплаб фирибгарлик ҳолатлари келиб чиқмоқда, шуни инобатга олиб ҳуқуқни муҳофаза органларнинг ходимлари тўғрисида маълумот олиш имкониятини берувчи базалар интеграциясини амалга ошириш, МБ ёки тижорат банклари базаларига. (*Rиск, комплаенс*)

25. Тижорат банкларининг даромад келтирмаётган нақд пулларини (сўм ва валюта) маълум бир муддатдан ошганда МБга олиб, вакиллик ҳисоб варағига ресурс тушуриб бериш амалиётини жорий қилиш. (*Rиск*)

26. Хорижий валютада ажратилган кредит рискларини **хеджирлаш мақсадида хосилавий молиявий воситалардан фойдаланишини ривожлантириш** мақсадида МБ томонидан шу йўналишни тартибга солувчи ички меъёрий хужжат ишлаб чиқиш. (*Rиск*)

27. Юридик шахсларнинг хорижий давлатлардан асбоб ускуна ва дастгоҳларни харид қилиш бўйича лойиҳаларига кредит ажратишида, аксарият ҳолатларда “ишлаб чиқарилган ускуналар ва уларнинг рақоботчилари тўғрисида батафсил маълумот олиш имконияти мавжуд эмас”лиги сабабли, ускуналарни сунъий оширилган нархларда олиб келиш ҳолатлари кўплаб учрайди.

Бу эса ўз навбатида лойиҳанинг самарасизлиги, йирик НПЛларга сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, **Савдо саноат палатаси бошчилигига** хорижий давлатларда ваколатхоналар ташкил этиш орқали “хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар катологи, ишлаб чиқарувчилар тўғрисида маълумотларнинг онлайн платформасини яратиш”.
(МСБ)